



Маҳалла

ЧОРШАНБА

2014 йил 29 январь,
№10 (977)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

СПОРТ ВА СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ БОЛА ВА СОҒЛОМ ЖАМИЯТ АСОСИ

Президентимиз Ислон Каримов раислигида 28 январь куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди

Давлатимиз раҳбари мазкур Жамғарма фаолият бошлаганидан бундан ўтган йилларда эришилган ютуқлар, бу борада амалга оширилган кенг қўламли ишларнинг аҳамияти ва натижалари ҳусусида атрофлича фикр юритди.

— Ёшларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан мутаносиб ривожлантиришга қаратилган бу тизимнинг йўлга қўйилиши ҳар томонлама тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда, — деди Президентимиз. — Шохорун қишлоқларимизда бунёд этилган замонавий спорт мазмуларида болалар спорт билан мунтазам шуғулланиш, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етмоқда. Фарзандларимизнинг иродаси тобланмоқда, турмуш тарзи, дунёқараш ўзгармоқда.

«Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдевори, фаровон ҳаёт асосини қурш дегонидир». Президентимиз Ислон Каримов томонидан мустақилликнинг илк йилларида айтилган бу сўзлар мамлакатимизнинг истиқболдаги боши мақсадиди, давлатимиз сиебатининг устувор йўналишини белгилаб берган. Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки кунларидан узоқ истиқболни кўзлаб, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт, деган эзгу ниятни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.

Истиқлол йилларида бу олижаноб мақсад йўлида миқёси ва аҳамияти жиҳатидан улкан ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда болаларнинг соғлом тутилиши ва соғлом улғайиши учун борча зарур шароитлар яратилди.

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, болалар ва ўсмирлар ўртасида спортни оммалаштириш, соғлом ҳаёт тарзини кенг қўриштириш, баркамол авлодни шакллантиришнинг ноёб тизими йўлга қўйилди. Болалар спортни ташкил-тарбия соҳасининг узвий қисмига айланган.

2013 йилда болалар спорт объектлари, мусика ва санъат мактаблари барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари изчил давом эт-

тирилди. 113 спорт иншооти ва сузиш ҳавзаси, 55 болалар мусика ва санъат мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу объекتلарнинг 132 таси қишлоқ жойларда ишга туширилди. Бу мақсадлар учун 210 миллиард 400 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Президентимиз спорт мазмулари, мусика ва санъат мактабларини ҳар томонлама сифатли қуриш, бунинг учун ихтисослашган пудрат ташкилотларини кўпайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади.

Болалар спорт объектларини қуриш ҳеч қачон тўхтамайди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади. Азиз болаларимиз камол топадиган бу мазмулари шундай чиройли ва мустаҳкам этиб қурайликки, бу биздан ўзига хос бир эсдалик, уларга меҳримизнинг ифодаси бўлсин, деди давлатимиз раҳбари.

Барча спорт мазмулари замонавий спорт инвентарлари ва малакали муроббийлар билан таъминланаётгани тўғрисида уларнинг қамрови тобора кенгайиб бормоқда. Бугун мамлакатимизда 2 миллионга яқин бола спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Битта спорт иншоотидан ўртача кунлик фойдаланиш вақти 9,5 соатни ташкил этмоқда.

— Болалар учун барпо этиладиган ҳар бир иншоотни қалб кўримишни бағишлаб қуришимиз керак. У ерда шуғулланган болалар шундай имкониятлардан мамнун бўлиб, эзгу мақсад ва интилишлар билан яшасин. Зеро, фарзандларимизни хурсанд қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун шароит яратиш бизнинг бурчимиз, — деди Президентимиз.

Болалар спорт объектлари асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозланмоқда. Бугунги кунда 120 турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарининг 116 таси мамлакатимиз корхоналаридан ишлаб чиқарилмоқда.

Мамлакатимизда қизларни спортга жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар учун миллий менталитетимизга хос кийимлар ишлаб чиқаришда, аёл мураббий ва ўқитувчилар-

ни тайёрлашга кенг ўрин берилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили 8 март — Халқор хотин-қизлар байрами арафасида ўқувчи қизларга спорт кийимлари топширилмоқда. Бу қизлар ўртасида спортнинг янада оммалаштириши, уларнинг соғлом, бақувват ва дуркун бўлиб улғайишида муҳим омил бўлмоқда. Бугун юртимизда 842 минг нафарга яқин қизлар спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Давлатимиз раҳбари қизларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенг қўриштириш зарурлигини, бунинг учун малакали ва хотин-қизлар кўмиталарининг фаоллигини ошириш, оилалар билан доимий ишлашни янада кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Оила қачон бахтли бўлади? Аёл бахтли бўлса! Аёл қачон бахтли бўлади? Фарзандлари соғ-саломат бўлса! Бунинг учун оилادا соғлом муҳит шаклланиши, аввало, ота-она спорт билан шуғулланиши керак, деди Ислон Каримов.

Фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб улғайишида жойларда ташкил этилаётган турли спорт мусобақалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёшлар орасида спортга қизиқиш, соғлом бўлишга интилиш кучайиб бормоқда.

Уч босқичли спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари ёшларни спортга кенг жалб этиш, профессионал спортчиларни тарбиялашда муҳим ўрин тутмоқда.

2013 йилда ҳам мамлакатимиз спортда улкан муваффақиятларга эришилди. Пойтахтимизда ўсмирлар ва қизлар ўртасида оғир атлетика бўйича IV жаҳон чемпионати, дзюдо бўйича Гран-при туркумидаги халқаро мусобақа, бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати юксак совида ўтказилди.

Олти ёшли шахматчимиз Ислонбек Синдоров Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида учта олтин медални кўлга киритди. Нафиса Мўминова ўзбек қизлари ўртасида биринчи бўлиб халқоро гротсмейстер унвонига сазовор бўлди.

Оғир атлетикачи Руслан Нурудинов Польшада ўтказилган жаҳон чемпионатида, дзюдочимиз Яхё Имомов Францияда

ўтган «Катта дубулға» туркумидаги халқоро турнирда биринчи ўринни эгаллади.

Президентимизнинг 2013 йил 3 декабрдаги фармонида мувофиқ Ватанимизнинг халқорой майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга салмоқли ҳисса қўшган бир гуруҳ истеъдодли ёшлар давлатимизнинг юксак мукотфлари билан тақдирланиши мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Бу йил «Баркамол авлод» мусобақаларининг финал босқичи Наманган вилоятида ўтказилади. Шу муносабат билан бу ерда бир қатор янги спорт мазмулари қурилмоқда, ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда Соғлом бола йили деб эълон қилинган жорий йилда бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайдир. Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини ва аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оммавий спортни, аynиқса, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилади.

— 2014 йили мамлакатимизда Соғлом бола йили деб эълон қилдик. Бу масалага янгича қарашни, масъулиятни янада оширишни талаб этади. Бу ҳақда сўз борганда, халқимиз қалбидан чўқур жой олган, эзгу давлатга айланиб бораётган бир шиорни эслаш ўринли, деб биланам. Яъни, соғлом бола — аввало соғлом ва аҳил оиланинг меvasидир. Спорт ана шундай оилаларни шакллантирадиган энг яхши воситалардан биридир. Спорт билан шуғулланган йигит-қизлар соғлом ва бақувват, фикри тинч бўлади. Келгусида фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялайди. Бундай оилалар кўпайса, бутун жамиятимизнинг соғлом муҳити янада мустаҳкамланади, — деди Президентимиз.

Мажлисда Ҳомийлик кенгашининг 2013 йил 15 март куни бўлиб ўтган йиғилишида белгиланган вазифаларнинг ижроси атрофлича таҳлил этилди. Спорт иншоотлари ва сузиш ҳавзаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни зарур спорт анжомлари ва инвентарлари билан жиҳозлаш, спорт мазмуларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, малакали мураббий-

лар, аynиқса, аёл спорт устозларини тайёрлаш бўйича амалга оширилган ишларга эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш, қизларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган спорт анжомларининг турини кенгайтириш ва сифатини янада яхшилаш, шу соҳада фаолият олиб бораётган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига доимий эътибор қаратиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Ийгилишда 2014 йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўриб чиқилди. 115 спорт объекти ва 48 болалар мусика ва санъат мактабларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, уларни зарур анжом ва ускуналар билан таъминлаш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди. Бу борада йўл қўйилаётган айрим камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартараф этиш зарурлиги таъкидланди.

2016 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXI ёзи Олимпия ўйинларига тайёрларик ишлари ҳам кўриб чиқилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бугун бошқаларнинг ҳавосини тартаётган ташкилотга айлангани барчамизга мамнуният бағишлайди. Бу ҳаракат самараларидан баҳраманд бўлаётган болалар ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етмоқда. Бу халқимиз ҳеч қачон ҳеч қандам кам бўлмагани, ҳеч қандам кам эмаслиги ва ҳеч қандам кам бўлмаганининг яна бир ҳаётий тасдиғидир, деди пироворидда Президентимиз.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р.Азиев, Бош вазир ўринбосарлари Э.Боситқонова, Б.Зоккиров, А.Икромов, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси президенти М.Усмонов, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг ахбороти тингланган.

Ийгилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА муҳбири.

ҲОКИМ ҲИСОБОТ БЕРДИ

**Худуд
равнақининг
муҳим омили**



Янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» қонунининг 10-моддасида шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ва шаҳардаги йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш ваколати белгиланган.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Бухоро вилояти бўлими бошқаруви раиси Маҳмуд Тоировнинг таъкидлашича, 2013 йилнинг апрель-ноябрь ойлари мобайнида Юртбошимизнинг фармоишлари асосида вилоятда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруш органлари фаолияти очиқлиги тўғрисида» қонун лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий экспериментнинг ўтказилиши тўғрисидаги маълумотлар, бошқаруш органлари ҳудудий тузилмалари раҳбарларининг ўз фаолиятлари ҳақида аҳоли, шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинлари олдида ҳисобот беришларида фаоллик кузатишган.

> [2]

САРҲИСОБ

Эзгу ва муштарак мақсад йўлида



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Халқимизда эзгулик йўлида амалга оширилган ишларни ҳолис ва ҳаққоний таҳлил қилиш, қўлга киритилган муваффақиятлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликларни танқидий нуқтаи назардан ўраниши, бу борада мақсадли режалар тuzиб, келгуси йил учун мустаҳкам пойдевор ҳозирлаш яхши анъанага айланган.

■ Толибжон НИЗОМОВ
«Mahalla»

Пойтахтимизда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг 2013 йил якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви оъзолари, масъул ходимлари, ҳудудий бўлимлари ра-

ислари иштирок этдилар. Президентимиз Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузада таъкидланганларидек, «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида жамиятимизнинг асосий бўлини бўлган маҳаллани обод қилиш вариантада фонд республика бошқаруви оъзолари, масъул ходимлари, ҳудудий бўлимлари ра-

нинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтиришга катта аҳамият берилди.

Дарҳақиқат, Обод турмуш йили «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда фуқаролар йиғинларининг жамиятдаги маъкеини янада юксалтириш, уларнинг вазифалари қўламини кенгайтиришда самарали давр бўлди. Айниқса, янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида» қонунлар фуқаролар йиғинларининг ваколатларини янада орттириб, вазифалари қўламини кенгайтди.

> [2]

МАХАЛЛА: БУГУН ВА ЭРТАГА

Ободликдан яшнар ҳар маскан

Юртбошимиз Бош Қомусимиз қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида таъкидланганларидек, ўтган йили маҳаллалар ҳудудидан янги гузарлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар ва спорт майдончалари барпо этиш, ички йўллар ва йўлакларни таъмирлаш, кўп қаватли уйларнинг атрофини ободонлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

■ Мансур ТООИРОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах вилояти бўлими етакчи мутахассиси.

Дарҳақиқат, бугун юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари Жиззах вилояти ҳам обод ҳудудга ай-

ланган. Сарбозор — Ғаллаорол туманидаги қадим аҳоли манзилларидан. Кейинги йилларда бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Замонавий тураржойлар, турли шохобчалар маҳалла кўрмага кўрк қўшиб турибди. Қўчалар реконструкция қилиниб, инфратузилманинг ривожланиши аҳолига қўлайлик яратди.



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ ЖАМОЛИ

Бунёдкорлик — тараққиёт кафолати



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Марҳамат — Андижоннинг сўлим гўшаларидан. Ҳавоси мўътадил, табиати хушманзара, одамлари хушмуомала. Қишлоқларининг ўзгача таровати, дов-дарахтлару, шарқироқ сойлар, виқорли тоғлару кўркем чаманзорлари ҳудуд кўркемга кўрк бағишлайди.

■ Абдумўтал АБДУЛЛАЕВ
«Mahalla»

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қуришни кенгайтиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида» қарори ижроси юзасидан мазкур туманда ҳам қатор бунёдкорлик

ишлари амалга оширилди. Жумладан, ўтган йили 208 та намунавий лойиҳадаги уй-жойлар қурилиб, ўз эгаларига топширилди. Шинном ва кўркем уйларда яшаш учун барча шарт-шароитлар мўъайё. Хонадонлар электр энергияси, табиий газ билан тўла таъминланган.

> [3]



КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

«Ораста қизлар»нинг моҳиралари

Фаргона шаҳридаги Шароф Рашидов номи 3-маҳалла фуқаролар йиғинида ёшларни ҳар томонлама маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, дунёқарашини шакллантириш, жамиятдаги фаоллигини ошириш борасида амалий ишлар қилинмоқда.

Расул КАМОЛ «Mahalla»

Ш аҳарнинг энг гавжум ҳудудларидан бири бўлган ушбу йиғиндаги 39 та кўп қават-ли уйда ўндан ортиқ миллат вакилларида иборат беш минг нафарга яқин аҳоли ҳамжihatликда умргузаронлик қилиб келмоқда. Муҳими, маҳаллада ёшлар тарбияси, оналик ва болаликни муҳофазаси, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда йиғиннинг Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиясининг амалий кўмаги катта бўлмоқда.

аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини оширишда мутасадди идоралар билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилгани эътиборга моликдир.

Йил бошидан 2653 нафар аёл, 16 ёшгача бўлган 594 нафар қиз тибиб қўриқдан ўтказилди. Аynиқсa, турмуш қуриш ёшидоги қизларни ҳаётга тайёрлаш, оилада келин одоби, фарзанд тарбияси, орасталик, пазандалик, ширинсўзлик, муомала маданияти каби тушунчалардан мунтазам хабардор қилиб ту-



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

риш, факат соғлом онагина соғлом фарзандни дунёга келтириши ҳақида керакли тушунча ҳамда маслаҳатлар бериб келинмоқда.

— Қизларни турмушга тайёрлаш, ҳаёт синовларига бардошли, ҳар қандай шароитда ҳам оқилона ҳаракат қилариш мақсадида турли учрашувлар, давра суҳбатлари, амалий машғулотлар ташкил этилди, — дейди фуқаролар йиғини қошидаги Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия раиси Нурхон Маметова. — Маҳалламиз қошида «Ораста қизлар» тўғрисида фаолияти йўлга қўйилган. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, қизларни миллий ва умминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш мақсадида турли спорт ва қасб-хўнар тўғрисидаги ишларни ўтказиш бўйича маълумот берилмоқда.

Шунингдек, маҳаллада «Устоз — шогирд» мактаблари яратилиб, қизлар тикучилик ва пазандалик ўқув-курсларига жалб этилаётди. Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда оилавий тадбиркорликни бошлаш учун бизнес-режа тузиш йўллари ўргатилди. 10 нафар хотин-қиз лойиҳаларда иштирок этди.

Муҳтасар қилиб айтганда, ёшларни ҳаётга чиқариш, уларнинг жамият ривожидоги фаол иштирокини таъминлаш, бу борадаги иш таҷрибаларини оммалаштириш, оилалар нотинчлигига олиб келувчи салбий ҳолатларга ўз вақтида барҳам бериш сингари долзарб юмушлар комиссия фаолиятининг асосини ташкил этади. Чунки бу борада амалга оширилган ишлар, эришилган муваффақиятлар юрт фаровонлиги, оилалар мустаҳкамлигига хизмат қилади.



Спорт хабарлари

Ҳамюртимиз «Юлдузли аср»да



Ўтган йилнинг март ойида Канада давлатида фигуралар учаш бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида кучли 16 нафар спортчи қаторидан ўрин эгаллаб, 2014 йил Сочи шаҳрида (Россия) ўтказилган XXII қишлоқ Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритган ҳамюртимиз Миша Ге нав-

батдаги ўқув-машғулот йиғинини Пекин шаҳридаги (Хитой) «Юлдузли аср» муз саройида ўтказди. Эслатиб ўтамиз, Миша Ге «Сочи — 2014» ўйинларида шу йилнинг 13 февраль кунини қисқа дастур бўйича мусобақаларда иштирок этса, 14 февралда эркин дастур бўйича баҳсларда қатнашади.

Янги мажмуа янгича кўрк бағишлади

Истиқлол неъматидан руҳланган сирдарёлик ёшлар бугун Ватан довуғини бундан юксакларга кўтариш, элга муносиб фарзанд бўлиш истаги билан яшамоқда.

Гоп шундаки, Гулистон шаҳридаги «Фарҳад» маҳалласида қарийб 300 миллион сўм маблағ эвазига бунёд этилган замонавий спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

— Бугунги авлоднинг бахти тўқис, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Г.Хасанов. — Бир вақтлар бундай шарт-шароитлар қаредда эди, дейсизми? Мажмуадаги машғулотлар зали, ювенил, кийим алмаштириш хоналари замонавий тарзда жиҳозланганини кўриб, кўз қувнайди. Бу иншоот соғлом турмуш тарзини қарор топтириш билан бирга, маҳалламиз кўрkingа кўрк бўлиб қўшилди.

9 ФЕВРАЛЬ — АЛИШЕР НАВОЙЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҲН

Мутафаккир кўра олган кашфиётлар

Буюк шоир ва улғ мутафаккир Алишер Навоий гўзал асарлар яратиб баробарида кўлаб фанлар билан ҳам қизиққан. Унинг айрим асарларида ҳозирги даврда ишлатилаётган буюмларнинг асосини кўриш кишини ҳайратга солади.

Нилуфар ЮНУСОВА «Mahalla»

Нега таркинг этмай, эй чархки: шому ахтарингдин — Қародур юзинг, ва лекин... оқ эрур юзингда холинг!..

Мазкур байтнинг иккинчи мисрасида фототасвир ибтидоси — негатив кўришлар (оқ рангнинг қора, қора рангнинг оқ бўлиб кўриниши) ҳақида гапирилатгандек, гўё. Ўрни келганда эслатиш жоиз, биринчи фотоаппарат француз олими Луи Жак Дагер томонидан 1839 йилда кашф қилинди. Илк негативларни ҳам айнан шу йили Фокс Тальбот яратди. Навоий эса улардан деярли 350 йил олдин бу ҳақда маълумот берапти.

1928 йилда Тошкентда Б.Грбовский ва И.Белявскийлар электр-нур ёрдамида ҳаракат қилаётган тасвирни бир жойдан узатадиган ва қабул қиладиган аппарат яратиб, уни муваффақиятли синовдан ўтказдилар. Юртимиз пойтахти телевидение ватани сифатида тан олинди. Аммо Навоий улардан ҳам анча йиллар олдин бунини кўра олганди. «Фарҳод ва Ширин» достонида:

Фароийб кўп ҳувайдо бўлгусидир, Бас, анда шакл пайдо бўлгусидир... Кўруниб ҳар замоне —



кўза бир шакл, Кўз олғоч — бўлгусидир ўза бир шакл!.. Чу бўлди жилава гар ошкор юз навб, Анга ҳам бўлгуси — тимсол юз навб!..

Маълумки, экранда кадрлар бир лаҳзада 24 мартаба алмашади ва жонли тасвир кўринади. Шакл — бу кадр десак, уларнинг олмашинувидан турли-туман фаройиботлар, жонли суратлар, рангин қиёфалар силсиласи намоён бўлади. Энг ажабланарлиси, Навоий бу қурилмани ҳам ўз ҳолича «Ойнаи жаҳон» деб номлайди. Фарҳод узок Арман ўлкасининг маликаси

ХУШҲАБАР

Гендерга оид веб-сайт

Ўзбекистонда илк гендер статистикасига оид веб-сайт — gender.stat.uz яратилди.

Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ушбу сайт эркаклар ва аёлларнинг мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларидаги ўрни ҳақида маълумот, эркак ва аёллар, ўғил ва қиз болаларнинг давлат ва жамиятдаги фаолиятининг барча соҳаларидаги ҳолати ва ўзгаришларини кузатиш имконини беради. Шу билан бирга ҳудудлардаги эркак ва аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва муаммоларини аниқлашга кўмаклашади. Асосан Гендер статистикаси мавзу доirasида махсус дастур ва стратегияларни ишлаб чиқишда, уларни самарали режалаштириш ва мониторинг олиб боришда муҳим омилдир.

Маълумот учун, мазкур сайтда мамлакатимизда 2007-2012 йиллардаги аҳолининг жинси бўйича сони келтирилган бўлиб, унга кўра, нуртдошларимизнинг 49,9 фоизини аёллар, 50,1 фоизини эса эркаклар ташкил этган.

БИЛАСИЗМИ?

Минг дардга даво исирик

Бугунги совуқ кунларда баъзи-баъзида хонадонларда исирик тутатиб туриш фойдалидир. Бу ўсимлик кўп хосиятларга эга.



Шамсия.

Халқимиз уни аксарият ҳолларда хасталиқлардан ҳимоя қилувчи восита сифатида кўллайди.

Ҳақиқатан ҳам исирик таркибидоги моддалар микробларга қирон келтириши амалда исботланган. Ўсимлик ва унинг илдизидан тайёрланган гармин алкалоиди ҳамда спирт-

Шириннинг ҳусну жамолини айнан шу восита орқали кўриб, унга маҳлиё бўлиб қолади.

Хамсаннинг тўртинчи достони «Сабъаи сайёрда эскалатор ва лифт ҳақидаги фарозларни ўқиган машҳур шарқшунос олим Бертельс ҳам ҳайрат оғушида қолганини яширмаган. Лекин 1892 йилда америкалик кашфиётчи Жесси Рено илк бора эскалаторни ясаган. Хамсаннинг бешинчи достони бўлмиш «Сади Исқандарий» ҳам бундай тимсол ва мажозлар билан тўла.

Бугунги кунда уйлариимизга ҳам иссиқлик, ҳам муздек ҳарорат бахш этиб туривчи кондиционер (1915 йилда француз олими Жанн Шабаннес биринчи кондиционерга патент олган) ҳақида:

Ки ҳар сори лавҳе эрур таъбия, Бирда елу бирда ўт таъмия.

Маъноси шундай: «Чоҳнинг икки ёнига яхшилаб қараса, бирига ўт, иккинчисига ҳаво деб ёзиб қўйилган.

Шунингдек, «Сади Исқандарий»да шохнинг ўзи юрор тахтини ифодалаш ҳам ҳозирги кунимиздаги автоуловларни эсга солади. Ҳазрат Навоийнинг «Қизил, сориқ, яшил» радиопла газали замонамиздаги светофорга ишора эмасмикан, дея ўйлаб қолсан киши. Албатта, юқорида санаб ўтилган тимсоллар, рамзлар, ўз даври учун гайриоддий бўлган қурилмалар, башоратлар Навоий ижодида беҳисоб.

Дарҳақиқат, олимлар таъкидлаганидек, Алишер Навоий ижоди муҳташам бир қасрга навозалса, тудқиқотлар унинг атрофида юз бермоқда ҳолос.



Дунё бўйлаб

Лойиҳа маъқулланди


Тунис миллий ассамблеяси кўпчилик овоз билан мамлакат қомусининг янги лойиҳасини қабул қилди.



«Associated Press»га кўра, конституциянинг янги вариант Тунисда ислом динини давлат дини сифатида мустаҳкамлайди. Шу билан бирга, унда эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлиги, қонун устуворлиги, давлатнинг дунёвийлигига оид бандлар ҳам бор. Конституцияда эътиқод эркинлиги ҳам мустаҳкамланган.

Паром фарқ бўлди

Ҳинд океанининг Андаман ороллари соҳилида йўловчи пароми фарқ бўлди.



Оқибатда 20 нафардан зиёд киши ҳаётдан кўз юмди, 23 нафари кўтқариб қолинди, икки нафари бедарак йўқолган, дея эълон қилинди. Фожеа Андаман ва Никобар ороллари маъмурий маркази саналган Порт-Блэр шаҳри

Пластик пул афзал.ми?

Англия банки 2016 йилдан қозғ пулларни пластик пулар билан алмаштирамоқчи.



қо тенг эди. Янги пуллар эса полипропилендан ياسалган ингичка, шаффоф ва эгилувчан тасмадан тайёрланади. Улар сиёҳ қатлами билан қопланади, кир ё намни юқирмайди. Кир ювиш машинасида ҳам омон чиқади.

Амалдаги пул бирлиги пахта қозғидан тайёрланган, беш фунт стерлинг купюрасининг «умри» атиги бир йил-

Янги пуллар ҳозиргиларидан камида 2,5 марта узок амал қилиши мумкин. Бирок, экстремал юқори ҳароратда, масалан, дазиол остига қўйилганда бўжмайиши ва қисқариш хавфи бор.

Керакли тошнинг зиёни йўқ

«Гантель кўтаришни хуш кўрадиган аёллар ўзларини қанди диабетга чалинишдан сақлайдилар».



диган бошқа машқлар аёлларда диабетнинг келиб чиқиш хавфини камайтиради. Олимлар бундай машқлар билан ҳафтасига камида икки марта, шунингдек, аэробика билан ҳам ҳафтасига икки ярим соатдан кам бўлмаган муддатда шуғулланиши маслаҳат беришмоқда. Бу юрак-қон томир фаолиятини яхшилайди ва инсоннинг меҳнат қобилиятини оширади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, мушқларнинг оғирлиги диабет йўлига қўйиладиган ўзига хос фовдир.

Интернет материаллари асосида Ф.КОПРОН тайёрлади.



САРҲИСОБ

Эзгу ва муштарак мақсад йўлида



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

«Махалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси Анвар Ахмедов кириш бўзида мазкур қонунлар ҳақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари мувофиқ фуқаролар йиғинлари фаолиятига доир 17 та низом тасдиқлангани ҳақда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика, ҳудудий кенгашлари ҳақида батафсил тўхтади.

Бошқарув йиғилишида фуқаролар йиғинлари ходимларининг касбий ва бошқарув малакаларини янада ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимли услубий ёрдам бериш мақсадида ташкил этилган ўқув-курслари тўғрисида тушунчалар берилди.

Йиғилишда 2013 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида янги тахрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сойлови тўғрисида» қонунда белгиланган талаблар ҳақда демократик тамойиллар асосида ўтказилган сайловларда 9756 нафар (бир ўринга ўртача 3,3 нафар номзод) фуқаролар йиғинларининг раиси ва уларнинг 99 минг 618 нафар маслаҳатчиси сайлангани алоҳида айтиб ўтилди.

Ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнларда 4548 нафар (46,6 фоиз) фуқаролар йиғини раиси, 46 минг 971 нафар (47,2 фоиз) раис маслаҳатчиси биринчи марта сайланди. Муқобиллик ва тенглик тамойиллари асосида ўтган сайловлар натижасида йиғин раислари таркиби 46,6 фоизга янгиланди.

Хар бир йилнинг алоҳида ном билан аталishi замирида Ватонимизни тараққий эттириш, аҳолининг турмушини янада фаровонлаштиришдек олижаноб мақсадлар муҳасанни. Обод турмуш йилида Фонд тизимлари билан бирга ўхшаши йўқ ноёб тузилма — фуқаролар йиғинларининг ҳам нуносиб хиссаси борлигини кўлга киритилган ютуқлар ҳам тасдиқлов турлиди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳақда «Махалла» хайрия жамоат фонднинг 2013 йилга мўлжалланган иш режаси ижросини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди, — дея сўзида давом этди Фонднинг республика бошқаруви раиси. — Хусусан, Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш борасида жойларда 80 мингдан зиёд маъруза ва мулоқотлар ташкил этилди. Юртимизда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш ҳар доим долзарб вазифа саналган. Ушбу жараёнда фуқаролар йиғинлари ҳам фаол иштирок этётгани кўзланган мақсадга эришилди қўл келмоқда. Утган йили ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда маҳаллаларда диний экстремизм, миссионерлик ҳақда оқидпарастликка барҳам беришга қаратилган 21 мингдан зиёд тадбирлар, давра суҳбатлари ва мулоқотлар ўтказилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида» ва «Одам совдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларининг мазмун-моҳиятини аҳоли, хусусан, ёшларга аниқроқ ташуинириш бўйича ҳамкор ташкилотлар билан маҳаллаларда 30 мингдан зиёд тарғибот ишлари амалга оширилди. Уларда 4 миллион нафар яқин аҳоли иштирок этгани, шундан 2 миллион нафардан зиёди ёшлар экани қувонарлидир.

Хисобот даврида Президентимизнинг 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив санолатининг мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий барқарор аҳолини вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»

Қорорида белгиланган устувор вазифалар, шунингдек, 2012-2013 йилларга мўлжалланган Оила институтини янада мустаҳкамлаш, никоҳ муносабатларини тартибга солиш, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш бўйича тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликдаги қўшма Дастур ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллаларда «Соғлом она — соғлом бола» широнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этишга қаратилган 75 мингдан ортик тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

«Махалла» хайрия жамоат фонди ҳақда ҳудудий бўлиmlарнинг Низомида фуқаролар йиғинлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан уларга услубий ва амалий кўмак бериш белгиланган, — дейди Фонднинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви раиси Қожабой Элмуродов. — Шу мақсадда Фонд республика бошқаруви томонидан фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари учун оилаларни ўрганиш дофтари тайёрлаб, барча маслаҳатчиларга етказилди. Айни пайтда мазкур дофтарнинг юрителиши бўйича мониторинг олиб борилиб, унга кўра, юртимиздаги мавжуд 7 миллион 786 мингга яқин оилаларнинг 5 миллион 984 мингдан зиёди (76,8 фоизи) ўрганилди. 1 миллион 57 мингдан зиёд муаммоли оилаларнинг 646 минггаси (61,1 фоизи) фуқаролар йиғинида кўриб чиқилди ва уларга зарур ёрдамлар берилди. Фуқаролар йиғинлари томонидан белгиланган чоралар натижасида 226 146 нафар киши иш билан таъминланди. Етмиш мингга яқин оилاداги низоларнинг олди олиндиб, тўқсон мингга яқинига моддий ёрдам кўрсатилди.

Соғлом бола ҳақида гап кетганда, ўзига хос тарбия маскани — маҳалла кўз ўнгимизда гавдаланади. Зотан, соғлом бола — намунали оиланинг меvasи бўлса, унинг ҳулқи, одоби маҳалланинг ютуғидир. Шу сабабли юртимизда маҳаллалар келажак авлод тақдирига таъсир кўрсатадиган тарбия маскани, ёш авлод камол топадиган гўша сифатида кадрланади.

2013 йилда маҳалла фаоллари тегишли ташкилотлар, хусусан, оилавий поликлиника ҳамширалари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича қатор ишларни амалга оширди. Натижада ўтган йилда республика бўйича бир ўхшага бўлган болалар ўлими ҳолати 259 тага, оналар ўлими 6 тага, 15-17 ёшли қизлар ўртасида эрта туғуруқ ҳолатлари 36 тага, жиноят содир этишда иштирок этган хотин-қизлар сони 266 тага, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 29 тага, фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар сони 159 тага қамайди.

Бугун Қуролли Кучларимиз сафи маънан барқамол ва жисмонан соғлом ёшлар билан тобора кенгаймоқда, — дейди «Махалла» хайрия жамоат фонди Фарғона вилояти бўлими бошқаруви раиси Акромжон Йўлбарсов. — Айни пайтда сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашни ўзининг эзгу мақсади, деб биладиган эр йиғитларни тарбиялашда маҳаллаларда ташкил этилаётган тарғибот ишлари муҳим аҳамият касб этади. Утган йили фарзандларимизни ҳарбий хизматга тантанали кузатиш ва кутуб олиш бўйича 3 мингдан зиёд тадбирлар ташкил этишда кўмаклашилди. Мазкур тадбирларга Фонд хисобидан 31,6 миллион сўм маблаг сарфлангани соҳага қаратилган эътиборнинг амалдаги намунаси.

Хисобот даврида фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг инфратузилмасини янада такомиллаштириш, маҳалла ҳудудларини ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Маҳаллаларда 372 та болалар

майдончаси қурилиб, 902 таси таъмирланди. 1 минг 203 тасида ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Мазкур тадбирларга Фонд томонидан 152 миллион, ҳомиёлар хисобидан эса 4 миллиард 104 миллион сўм маблаг ажратилди.

Шунингдек, ўтган давр мобайнида Фонд хисобидан сарфланган 14 миллиард 256 миллион сўм маблаг эвазига 1024 та фуқаролар йиғини бинос реконструкция қилиниб, 95 та янги гузар барпо этилди. 3015 таси компьютер жамланмаси, 2112 таси мебель жиҳозлари билан таъминланди.

Обод турмуш йилида Фонд ва унинг ҳудудий тизимлари томонидан юртимиздаги олий таълим муассасаларига бақалар босқичида таълим олаётган жисмоний имконияти чекланган ҳамда боқувчисини йўқотган 262 нафар талабани ижтимоий ғимоялаш мақсадида 302 миллион сўмлик ўқув-шорнома пуллари тўлаб берилди.

Узгаларга яхшилик қилиш халқимизга хос фазилатлардан. Аждодларимиз азалдан эъозлаган ва бугун ҳам эзгу аъломига айланган меҳр-муруват, саховат кўнгилларни яна-яна, эртанги кўнга ишончини янада мустаҳкамлайди. Маҳалла эса ана шу хайрли ишларнинг бешиғидир.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, хисобот даврида Меҳрибонлик, Саховат ва Муруват уйларидаги 2 минг нафардан ортик фуқаролар ва тарбияланувчилар 483,3 миллион сўмлик кийим-бош билан таъминланди. 691 та ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оиланинг никоҳ тўйлари ўтказилишига кўмаклашилди, 670 та кам таъминланган оилаларга бир бошдан қорамол олиб берилди. Мазкур тадбирларга Фонд хисобидан 1 миллиард 80 миллион сўм маблаг сарфланган.

Бошқарув йиғилишида «Обод турмуш йили» Давлат дастури, Фонд иш режаси ва бошқа дастурларда белгиланган тадбирларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ўтган йил давомида жами 56 миллиард 240 миллион сўм маблаг сарфлангани қайд этилди.

Ошқоралик ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтган йиғилишда айрим ҳудудий бўлим ва бўлиmlар томонидан ижро интизом, қўйи тизимлар томонидан ҳужжатлар ижроси устидан мониторинг амалга ошириш, фуқароларнинг мурожаатларига ўз вақтида жавоб қайтариш, вақант лавозимларга билими, ташкилотчи, ташаббускор, талабчан, масъулиятли кадрларни жалб этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Қўн тартибидаги масалалар юзасидан Фонднинг вилоятлар бўлиmlари раисларининг хисоботлари тингланди. Йиғилишда соғлом авлод тарбиясида маҳаллалар, хусусан, йиғин раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, посбонларнинг тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги масъулиятини янада ошириш, ёшлар, айниқса, қиз болалар тарбиясига эътибор қаратиш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашларига кўмаклашиш, эрта турмушнинг олдини олиш, тўй-маросимларни ихчам ўтказиш, фуқаролар йиғинларининг комиссиялари, «Ота-оналар университетлари» ҳақда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигини самарали давом эттиришга қаратилган аниқ ва мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш борасида маҳаллалардаги «Маслаҳат марказлари» фаолиятини самарали йўлга қўйишга ёрдамлашиш, шунингдек, Президентимиз қарори асосида ташкил этилган ўқув-курсларида маҳалла фаолларининг касбий ва бошқарув малакаларини оширишга кўмаклашиш каби устувор вазифалар белгилаб олинди.

Қизинг мунозораларга бой, ишчан ва танқидий рўнда ўтган бошқарув йиғилиши якунида тегишли қарорлар қабул қилинди.

ҲОКИМ ҲИСОБОТ БЕРДИ

Ҳудуд раvнақининг муҳим омили

< [1]

Акбар РУСТАМОВ «Mahalla»

Хусусан, ўтган йилда вилоятдаги маҳаллаларда 133 марта ҳокимларнинг, 500 мартадан зиёд турли бошқарув органлари раҳбарларининг хисоботлари тингланди. Бу эса давлат идоралари ҳақда аҳоли ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, аҳоли ва нодавлат ташкилотларининг давлат бошқаруви идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қорақўл туманидаги Қозон қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтган ана шундай йиғилишда аҳоли туман ҳокимининг хисоботини эшитди.

Матлуб Нўъмонов маҳалла фаолларига ҳудуд ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари, таълим, фан, маданий соҳалар, қишлоқ ҳўжалиги ҳақда ишлаб чиқариш тармоқларидаги ўзгаришлар хусусида маъруза қилди.

Айниқса, ҳокимнинг келгуси режалар хусусидаги маърузаси йиғин аҳолини қизиқтирган бир неча саволларга жавоб бўлди. Хусусан, 2014 йилга мўлжалланган туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида ҳудуддаги 3 километр йўлнинг асфальтлашиши, шунингдек, совда расталари, мошичи хизмат кўрсатиш шохобчаларидан таркиб топган маҳалла гузари қурилиши маҳалла аҳоли учун хушхабар бўлди.

Ўз навбатида, хисобот давомида аҳоли янги иш ўринларини барпо этиш, туман марказига мунтазам транспорт қатновини йўлга қўйиш ва бошқа масалаларда ўз таклифларини билдиришди.

АНЖУМАН

Масъулиятли, аммо шарафли

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 22 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида бўлгуси аскар ва офицерларни чақирқиқача бўлган даврда тайёрлашнинг ўрни ва аҳамиятини, уларнинг мазкур машаққатли касбини танлашга онгли ёндашиши нақадар муҳим эканини таъкидладилар.

Садоқат МАХСУМОВА «Mahalla»

Жумладан, таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда аҳолининг кенг қатламлари ҳақда ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучларимиз фахрийларини жалб этган ҳолда, ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишларни фаоллаштириш, бўлгуси аскарларнинг онгу тафаккурини, юртимиз тарихига онд билимларини ошириш, жисмоний чиққиртиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини қайд этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳақда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, бу борада жиддий тайёргорлик кетмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурдаги Жамоатчилик кенгаши ҳамкорлигида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда Мудофаа, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Тошкент вилояти ва шаҳар ҳокимликлари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси,



ЎЗА сурати.

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КўРСАТИШМОҚДА?

Энг яқин ҳамкор, энг зарур кўмакчи

— Алло, диспетчерлик хизмати эшитади... Тушунарли, мурожаат қабул қилинди.

Набатчи тезда Гулистон шахри 3-мавзе ҳудудидаги «Меҳр» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан боғланиб, Ўзбекистон шох кўчасидаги 1-уйда сув қувури ёрилгани хусусида маълум қилди.

Тошпўлат ХАЙИТБОЕВ «Mahalla»

Бундай кўнғироқлар куз-қиш мавсумида тез-тез бўлиб туради, — дея бизга юзланди Гулистон шаҳар ҳокимлиги қошида ташкил этилган диспетчерлик хизмати навбатчиси. — Биз хабарни олган заҳоти ижрочиларга етказамиз ва унинг натижаси эътиборимизда туради. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас, диспетчерлик хизмати ширкат раҳбари Г.Жаппасова кўнғироқ қилиб, сув қувури алмаштирилаётганини маълум қилди. Сирдарё вилояти ҳокимлигининг уй-жой, коммунал хўжалиги соҳасида ишловларни амалга ошириш департаменти

берган маълумотларга кўра, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг аҳолига кўрсатаётган хизматлари, бу борада фуқаролар йиғинлари билан ўрнатилган мустаҳкам ҳамкорлик эътирофга лойиқ. Ҳозирги пайтда Гулистон шахрида 50 та, Янгиер шахрида 8 та, Ширин шахрида 6 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолият кўрсатмоқда. Улар фаолиятини ривожлантириш ва тартибга солиш, кўп қаватли уйларидаги умумий мулкни сақлаш, коммунал соҳадаги ишловларни чуқурлаштириш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш департаментининг асосий вазифалари сирасига киритилган. Энг муҳими, ширкатларнинг иқтисодий аҳоли доимий эътиборида.

Жумақуллов сингари фидойи, ташаббускор аъзолари фаолиги натижасида ёшларни нуносиб тарбиялаш, мактаб битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш, касб-ҳунар коллежларини тасмоғлангани иш билан таъминлаш масалалари ҳам назоратга олинган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назорати қучайтилгани, ўз навбатида, қонун ҳўжатларининг устуворлигини таъминлашда, уларнинг амалиётга тўлиқ татбиқ этилишида, фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳўқуқий маданиятини оширишда, ҳўқуқбузарликларнинг олдини олиш, ижтимоий ҳимояни такомиллаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, соғлом рақобат муҳитини яратишда муҳим ўрин тутди.



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва «Нуроний» жағфармаси, шунингдек, Мудофаа вазирлиги ҳузурдаги Жамоатчилик кенгаши ҳақда мустақад давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Тадбир давомида байрам табригида қўйилган мазкур устувор вазифалар ижросига, хусусан, Қуролли Кучларимиз сафларини ҳар томонлама соғлом, барқамол ўғлонлар хисобига тўлдирish борасида амалга оширилаётган муҳим ишлар ҳақида тўхталиб ўтилди.

— 2013 йил октябрь ойидан жорий йилнинг 15 январь кўнига қадар ҳарбий хизматга яроқли деб топилган фуқаролар билан танловлар ташкил этилди, — дейди Мудофаа вазирлиги Бош штаби ташкилий-сафарбарлик бош бошқармаси бўлими бошлиғининг ўринбосари, подполковник Назиржон Ниёматов. — Мазкур танловга жалб этилганлардан бу йилги мавсумда ҳар бир муддатли ҳарбий хизматга чақириладиган ўринга ўртача 8 нафар номзод тўғри келмоқда. Бу йигитларимиз армияда хизмат қилишни ўзи учун шарафли вазифа, деб билаётганидан далолат беради.

Ҳа, бугун Миллий армиямиз таркибида хизмат қилиш ҳар бир эр йигит учун масъулиятли бурча айрилиб улгурган. Шу боисдан бўлса керак, она юрт олдидаги бурчини адо этишга отланганлар сони йилдан-йилга ортик бормоқда.

Шунингдек, анжуманда ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг соғлиғига қўйилган талаблар, фуқароларнинг навбатдаги чақируви жараёнида Мудофаа вазирлиги ҳузурдаги Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг роли ҳақида маълумотлар бериб ўтилди.

Иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектиларини қиш даврида барқарор ишлашینی таъминлаш мақсадида хусусий уй-жой мулкдорларига «Микрокредитбанк»дан кредит олишга кўмаклашиш ҳам йўлга қўйилган. Бунинг эвазига вилоятдаги мавжуд 1575 та икки қаватли, 18 та 3 қаватли, 223 та 4 қаватли ва 13 та 5 қаватли уйларида яшовчи аҳоли хонадонларида иссиқлик тўла таъминланаётир. Бу борадаги ишларни амалга оширишда маҳалла фуқаролар йиғинлари асосий кўмакдош бўлиб келмоқда.

Куз-қиш даврида аҳоли тураржой объектилари барқарор ишлашینی таъминлаш мақсадида ширкат томонидан кўп қаватли уйларида ёз ойларидаёқ таъмирлаш ишлари бажарилди. Уларнинг ертўла қисмидаги иссиқлик, ичимлик суви, канализация тармоқлари қайта кўриб чиқилиб, уй йўлақларида эшик ва ойналар ўрнатилди.

Бу ишларга ҳомиёларнинг ҳам жалб қилингани маҳаллалар билан ўрнатилган ҳамкорликнинг амалдаги натижасидир.

МАСЛАҲАТ МАРКАЗИ

«Сиз югуриб юрган ишнинг ечими — йиғин идорасида»



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Дилмурод аканинг тадбиркорликка иштиёқи баланд. Аммо ишнинг нимадан ва қандай бошлаш кераклиги борасида анча бош қотиришига тўғри келди.

Фарҳод ЭСОНОВ «Mahalla»

...Эрталаб ишга шошиб кетаётган маҳалла маслаҳатчиси Д.Ҳамидова билан юзма-юз учрашиб қолди.

узок бўлмаган жойга ишора берди. — Эҳтимол, сизлар ёрдам бераризлар? Дилмурод аканинг мийғида кулиб айтган бу гапи маслаҳатчига кинояли туюлди шекилли, унинг гапларида кескинлик пайдо бўлди.

вазифа сифатида қараб келмоқда. Улар маҳалла идорасига келганда раис Равшан Йўлдошев тадбиркор Ж.Тўраевнинг маҳалла ҳудудида бўш турган жойдан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қуришда амалий кўмак сўралган мурожаати билан танишаётган эди.

ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

Ҳаётий тажриба оилалар мустақамлигида асқотмоқда

Шу маънода сўнги икки йил орасида фаолияти кенг миқёсда йўлга қўйилган «Ота-оналар университети» мамлакатимиздаги барча маҳаллаларнинг таъинч шохобчасига айланди.



Анвар НАШИРҒИЛ.

Университет аъзолари томонидан, аввало, ҳар бир оиланинг шарт-шароити, маънавий муҳити ўрганиб чиқилмоқда. Бундан вояга етаётган болаларга ота-оналар томонидан кўрсатилаётган эътибор чуқур таҳлил қилиниб, натижалар асосида айрим оилалар билан алоҳида ва махсус ишларга тўғри келаётди.

лан сўхбатда Ўрта Чирчиқ туманидаги Дўстлик қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Раъно Ҳўжаназарова. — Шунингдек, оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, демографик ҳусусиятларини илмий асосда тадқиқ этиш, олий ўқув юрталари билан ҳамкорлик қилиш, илмий-амалий семинарлар, конференциялар ўтказиш, оиланинг репродуктив саломатлиги яхшилашга оид услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга кенг татбиқ этиш, деб тушунаман. Ийғинимизда «Ота-оналар университети» фаолиятининг йўлга қўйилгани ёш авлод онгига чуқур синдириш ҳуқуқий, тиббий, психологик саводхонликни ошириш, муаммоларини илмий тадқиқ этиш ва фуқароларга бу масалаларда амалий ёрдам беришни мувофиқлаштиришдан иборат.

МАҲАЛЛА: БУГУН ВА ЭРТАГА

Ободликдан яшнаб хар маскан

< [1]

Айниқса, қишлоқда намунавий лойиҳа асосида 55 та янги уй-жой барпо этилди. Массивда болалар спорт майдончаси, савдо, маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари, банк шохобчаси ишлаб турибди. Ободлик биргина Сарбозорга хос эмас, албатта. Эндиликда бундан-да обод маҳаллаларни вилоятнинг барча ҳудудларида қўриш мумкин.

қучга кириши билан фуқаролар йиғинларининг бу борадаги ваколатлари янада ортди. Давлатимиз томонидан маҳалла тизими ҳодимларига зиммасидаги масъулиятли вазифаларни муваффақиятли ўздашлари учун етарли шарт-шароитлар, қулайликлар ҳам яратилаётди. Айниқса, фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустақамлаш бўйича белгиланган тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

ЖОЙ НОМЛАРИ — ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ

Атамаларда тарих ва табиат муҳассам

Қарийб уч минг йилдан зиёд давлатчилик тарихига эга она юртимизда хар бир ҳудуд, айниқса, аҳоли яшайдиган масканлар ўша жойининг хусусияти, одамлар яшаш тарзи, этник хусусиятлари, табиғатида боғлиқ ҳолда намоён.

Илҳомдон РАҲМАТОВ «Mahalla»

Б у, ўз навбатида, аждодларнинг бой маданий меросини ўрганишда, миллий қадрият ва аънолар, урф-одатларини изчил даво этиришда катта аҳамият касб этади. Биргина Наманган вилоятидаги ўнлаб қишлоқ ва маҳаллаларнинг номаълумлигига эътибор қаратадиган бўлсак, бунинг аяқол исботини топамиз.

лар уни деҳқончилик қиладиган ерларига новлар орқали йўналтиришган. Пост-баланд жойларда бу қурилмалардаги сув шаршарадай шовқин солиб оққани учун ҳам «Гулдира» (Шовқин) ва «Об» (Сув) сўзлари бирикмасидан қишлоқ номи келиб чиққан. Худди шундай ҳолатини Наманган туманидаги азим Сирдорё кирғонда жойлашган қишлоқ мисолида ҳам кўриш мумкин.



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

туманда биттадан фуқаролар йиғинлари идора бинолари таъмирланиб, иккитасида маҳалла гузарлари барпо этилди.

жами 13 та фуқаролар йиғини намунавий ҳолатга келтирилди. Ийғинлар биноларини таъмирлашда ҳолийлар кўмагидан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Бу муҳим вазифани амалга оширишда олис қишлоқ ҳудудларига асосий эътибор қаратилаётди.

финлари фаолияти янада такомиллашди. Шу мақсадда 2012-2016 йилларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник базасини мустақамлаш бўйича ҳудудий дастурларни амалга оширишда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими, шаҳар ва туман бўлимлари томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётди.

Дарҳақиқат, айрим жой номлари маълум бир уруғ, қабила номларини ҳам ифодалайди. Поп туманидаги Кенага(сўғуғ номи), Наманган туманидаги Кичик Қўрама ҳамда Катта Қўрама(улуг қабила), Олаҳамақ(уруғ номи), Поп туманидаги Найман ҳамда Найманча (шу номи уруғ) ва яна ўнлаб қишлоқлар шулар жумласидандир.

Қолаверса, кўпоб жой номлари айни ҳудудда одамлар илк яшай бошлаган даврлардаги дастлабки кўрган-кечирганлари, мавжуд ҳолат ёхуд вазият билан боғлиқ. Мисол учун, Наманган туманидаги Тўсар қишлоғи ўрни бир вақтлар қамиш ва чакалқорлардан иборат бўлиб, Қўқон томонлардан кўчиб келган аҳоли сувга яқинроқлиги ҳамда туپроғи унумдорлигини кўриб, шу жойни макон тутган. Табиийки, теъварак-атрофни чакалак ва қамиш ўрагани учун ёввойи ҳайвонлар ҳам сероб эди. Одамлар манзилгоҳларини улардан ҳимоялаш мақсадида қишлоқ четларига турли гов ва

иҳоталар ўрнатиб, тўсиқ қўйишди. Бу эса кейинчалик ташлоқни ўз-ўзини ҳам ифодалайди. Поп туманидаги Кенага(сўғуғ номи), Наманган туманидаги Кичик Қўрама ҳамда Катта Қўрама(улуг қабила), Олаҳамақ(уруғ номи), Поп туманидаги Найман ҳамда Найманча (шу номи уруғ) ва яна ўнлаб қишлоқлар шулар жумласидандир.

ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ ЖАМОЛИ

Бунёдкорлик — тараққиёт кафолати

< [1]

— Қишлоқ шароитида барча қулайликларга эга бундай уйлارнинг барпо этилишидан, айниқса, биз аёллар жуда қувондик, — дейди уй бекаси Эргашон Авлиева. — Ойла-май билан мана шундай уйлорда яшашни ният қилдик. Бугун ушбу орзуимиз ўшолди. Бундан ташқари, болаларимиз учун замон талабларига мос мактабга таълим ва умумтаълим муассасаларининг қурилиши, турли ишлаб чиқариш тармоқларининг ташкил этилиши ҳудудимизнинг кундан-кунга ривожланиб, юксалиб бораётганидан далолат.



ЎЗА сурати.

Юртбошимизнинг 2013 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон халқ шoirи Мўхаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори қишлоқ аҳлининг ғайрат-шижоатини ошириб, ташаббускорлигига қанот бағишлади. Икки тарафда одл тераклар қад кўтарган йўллар текисланиб, бир-биридан чиройли биноларнинг қурилиши қишлоқ қиёфасини ўзгартириб юборди. Худуддаги 27-сонли мактабга таълим муассасаси ҳамда 25-умумтаълим мактаби бинолари қайта таъмирланди.

моқда. Хусусан, Маликахон Маҳмудова йиғин фаоллари кўмағида банкдан юз миллион сўм кредит олиб, тўйхона қурапти. Саодат Оқчилова эса эркаклар ва аёллар учун кийим-бош тикадиган цех очиб, қишлоқ хотин-қизларини меҳнатга жалб этади. Тадбиркорларнинг ҳомийлиги, маҳалла фаолларининг ташаббуси ҳамда туман ҳокимлиги ёрдами билан ҳудуддаги мавжуд камчиликлар бартараф қилинди. Жумладан, ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ муаммолар бартараф этилиб, ҳатто қўшни қишлоқларда ҳам ичимлик суви танқислиги муаммосига чек қўйилган.

Уйлорга ёндош кўча бўйлаб хусусий савдо дўконлари, тўйхона ва гўзаллик салонлари, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қад ростлади. Шунингдек, санъатга иштиёқманд ёшлар учун туман марказида 315 ўринли, Полвонтош қишлоғида эса 150 ўринли Мусиқа ва санъат мактаби қурилиб, ишга туширилди. Қолаверса, мавжуд ўқув муассасалари қайтадан реконструкция қилиниб, янги жиҳозлар билан таъмирланди.

Тумандаги қишлоқлар орасида Қовунчининг номи машҳур. Темура Юсупов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини таркибига кирувчи ўшбу қишлоқда жўшқин ижоди билан миллионлаб кишилар қалбига кириб борган шoir Мўхаммад Юсуф туғилган.